


# АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»  
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ  
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА  
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 03-04 (551-552) • E-mail: adolat\_gazeta@sarkor.uz

Ҳамкорлик одимлари

## Рақобатбардош маҳсулот

тайёрлаш фаолиятимизга туртки бўлди, дейди

«Wimm-Bill-Dann» компанияси ижрочи директори С. Сурмонин

Даврон САБДУЛЛАЕВ,  
«Адолат» мухбири

Таркибига 28 та комбинатни бирлаштирган мазкур компания Россия Федерациясида жойлашган бўлиб, уларнинг 24 таси ўз ҳудудида, қолганлари асосан Украина ва Қирғизистонда эди. Яқинда унинг навбатдаги яна бир корхонаси Ўзбекистонда ҳам иш бошлади.

(Давоми 2-бетда)



Суратда: қўшма корхона маҳсулотларининг сифатлилигини бир маромда сақлашида химик-лаборант Умида Валикариеваннинг тажрибаси қўл келмоқда.

## Парламент ва халқаро муносабатлар

«Туркистон-пресс»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Президент ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамкорлигида «Халқаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари ва уларни амалга оширишда парламент институтининг ўрни» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Халқаро муносабатларни ривожлантиришда парламентлараро алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис семинарда дастлаб Ўзбекистон парламенти мисолида халқаро муносабатларда парламент институтининг туган ўрни атрофида муҳокама этилди. Маълумки, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолияти давомида халқаро муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Олий Мажлис томонидан бар қатор хорижий давлатларнинг парламентлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйилганлиги, БМТ томонидан қабул қилинаётган конвенция, шартнома ва битимлар ратификация қилинаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон парламенти турли давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш орқали мамлакатлараро халқаро муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва

парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Мухаммадусул Тешабоев халқаро муносабатларнинг устувор йўналишларини амалга оширишда парламент институтининг роли катта эканлигини таъкидлади.

Семинарда давлат ва жамият қурилишининг халқаро алоқалар билан боғлиқ жараёнларида парламентимиз олдида турган вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳозирга қадар ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг мамлакатимиз мавқеини мустаҳкамлаш, жумладан миллий манфаатларимизни халқаро миқёсда ҳимоя қилиш борасида ҳам сўз юритилди.

## Қишлоқда шифо маскани

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Бувайда туманидаги Ойдинқўл қишлоғи аҳолиси учун ўзига хос қўлайлик яратилди. Бу ерда 5 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлар қўмаги билан қайта қуриб битказилган янги саломатлик мажмуасида эмлаш, физиотерапия, лаборатория, дезинфекция хоналари, болалар ва аёллар бўлими, дорихона ҳамда кундузги шифохона сингари тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд.

Туман марказидан 20 километр олисда жойлашган мазкур қишлоқда шу пайтгача бу қўламдаги тиббий хизмат кўрсатиш мажмуаси йўқ эди. Оддий тиббий муолажа учун туман марказидаги даволаш муассасаларига боришга тўғри келарди. Янги «Пошопирим»

қишлоқ врачлик пунктнинг фойдаланишга топширилиши бу борадаги овозгарчиликларга барҳам берди.

— «Саломатлик-2» лойиҳасига кўра мазкур мажмуа замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими ўринбосари Валижон Ҳайдаров. — Асосий мақсадимиз жойларда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, қишлоқ аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш. Чунки, ҳар қандай касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Жойларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари бу борадаги иш қўламларини амалга оширишда жуда қўл келади. Айни кунгача туман ҳудудида 17 та янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб ишга туширилди.

## «Адолат»га обуна давом этмоқда

2006 йилда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда юз бераётган янгилик ва ўзгаришлардан доимо хабардор бўлишни, долзарб мавзудаги таҳлилий ва танқидий мақолаларни ўқишни истасангиз «Адолат»га обуна бўлинг! Айни пайтда почта ва алоқа бўлимларида «Адолат»га обуна давом этмоқда. Дарвоқе, газетамизда жорий йилдан бошлаб барча теледастурлар мунтазам бериб боришмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 100



## Ушбу сонда:

АСЛ ДЕХҚОНЛАР —  
ТЕНДЕР ФОЛИБИ

Ер эгаси эртага  
ким бўлади?

2

УСТАМОНЛАР  
Қўлга тушди

машинада ов милтиғи

3

ТЕЛЕ—  
ДАСТУРЛАР

4

ЧИЛИДА ИЛК АЁЛ  
ПРЕЗИДЕНТ

100 куну, 36 ваъда

5

РАШК,  
СЕВГИ ВА  
ИШОНЧ

психолог маслаҳати  
(давоми)

6

ИБН СИНОНИНГ  
БОЛАЛИГИ

дахонинг туғилиши

6

Болалар спорти

## Камолот пойдевори

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
спорт шарҳловчиси


Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғулари қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилувчи соҳа — болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Пойтахтимизда мазкур жамғарма ташкил этган матбуот анжуманида 2005 йил

давомида амалга оширилган ишлар ва 2006 йил режалари хусусида гап борди.

Жамғарма фаолиятида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида болаларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун спорт мажмуаларини барпо этиш, мавжуд иншоотлар ва мактабларнинг спорт залларини қайта таъмирлаш, болалар учун мос спорт анжомлари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан, 2003 йили 106 та спорт иншооти фойдаланишга топширилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 120 тани, 2005 йилда эса 153 тани ташкил қилди.

Утган йилда 209 та спорт иншоотига 2,3 миллиард сўмлик спорт анжомлари етказиб берилди.



(Давоми 6-бетда)

Бугуннинг гапи

## Касаначилик — янгича мўлкий имконият



Ойша ОХУНОВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати,  
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар уртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантиришга чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони меҳнатга қобилиятли аҳолини тўлақонли иш билан таъминлаш ва уларга молиявий-

иқтисодий имкониятлар очиб беришда жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, унинг қабул қилиниши ва амалиётга изчил тадбиқ этилиши — халқимизнинг ҳам, «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам ҳаётий манфаатларига тўла мос келади. Негаки, сир эмас, мамлакат аҳолисининг касаначилик билан шугулланса бўладиган тоифасига кирувчи меҳнатга қобилиятли қатламлари ҳозирда иқтисодиётнинг бир қатор секторларида ишлаш имкониятига эга эмас. Ҳолбуки, бу қатламда иш билан банд бўлмаган анчагина хотин-қизлар бор. Улар оила ва уй шароитига хос айрим объектив сабабларга қўра ишлаб чиқаришдан узилиб, меҳнат фаолияти ва иш стажини йўқотмоқдалар.

Яна бир тоифа қатлам — ногиронлар ва қўзи оқизлар ҳам қўлларида касб-хунари бўла туриб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бандлик мақомидан айрилиб қолишарди.

(Давоми 2-бетда)

Тошўлат МАТИБОЕВ,

«Адолат» СДП  
Миробод туман Кенгаши котиби

— Фармонда корхона билан касаначи уртасидаги меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамиятга эга. Касаначиларнинг корхона томонидан мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш, тайёр маҳсулотларни вақтида олиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш каби кафолатлар ва мажбуриятлар соҳа ривожининг муҳим омилдир.

Фармонда касаначиларга буюртма берувчи корхоналарга ҳам имтиёзлар берилган. Масалан, унинг 3,4,5-бандларида кўра, товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма бераётган корхоналар шу йилнинг 1 февралидан бошлаб, беш йил



муддатга меҳнат шартномаси асосида (касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда) меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўланувчи ягона ижтимоий тўловдан озод этилади.

Корхоналарга касаначиларга маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан берилади.

(Давоми 2-бетда)

Тадбиркор нима дейди?

## Қурилган бинонинг битмаган ташвишлари

Зокрижон ТУРСУНБОЕВ,

«Тонг нури» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари

Бугунги кунда халқимизга беҳимнат хизмат кўрсатаётган тадбиркорлар учун барча имкониятлар яратилган, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланган. Бундай шарт-шароитдан фойдаланиб, биз ҳам 1993 йили Нукус шаҳар Марказий деҳқон бозори ҳудудида ошхона ва дўконлар мажмуидан иборат хусусий корхона ташкил қилган эдик. Корхонамиз ишчилари тинимсиз ишлади, хизматимиз кўпчиликлан манзур бўлди. Бироқ мана 5 йилдирки, айрим раҳбарларнинг асосиз аралашуви натижасида фаолиятимизга путур етмоқда.

... 1999 йили бозор ҳудудидаги эскириб қолган биноларни замонавий тарзда қайта қуриш учун Нукус шаҳар бош меъмори Парахат Ёшчановга мурожаат этдик. Бундан қарангки, орадан 2 йил ўтиб, яъни, 2001 йил 14 ноябрда ундан «Лойиҳа эгаси томонидан бино замонавий талабларга мос тарзда қурилгандан сўнг лойиҳалаштириб берамиз», деган хат олдик. Шундан сўнг не машаққатлар билан савдо мажмуасини замонавий талаблар асосида қайта қуриб битказдик. Орадан кўп ўтмай, 2003 йил 6 февралда шаҳар ҳокими Ж.Бердиқонов биз янгидан қурган иншоотни бузиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарордан норози бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик судига қўриб битказдик. Орадан кўп ўтмай, 2003 йил 6 февралда шаҳар ҳокими Ж.Бердиқонов биз янгидан қурган иншоотни бузиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарордан норози бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик судига

га даъво ариза киритдик. Суд далил ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шаҳар ҳокимининг қарорини бекор қилиш, янги савдо шохобчаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. Шаҳар ҳокимлиги эса, бу қарордан норози бўлиб, апелляция шикоятни ёзди. Қ.Якуповнинг раислигида 2003 йил 7 июлда бўлиб ўтган суд мажлиси апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақида қарор чиқарди. Шунга қарамай, шаҳар ҳокими Ж.Бердиқонов ва бош меъмор П.Ёшчановнинг юқори ташкилотларга тинимсиз мурожаатлари оқибатида текширувчиларга жавоб тайёрлаш, ҳақлигимизни исботлашдан қўлимиз бўшамай қолди. Бу ҳам етмагандек, ҳокимлик Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига кассация шикоятни ёзди. Суд 2005 йил 6 апрель кўни ишни қўриб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик судининг қарорларини ўз қучида қолдирди.

Мана, 5 йилдан бери деярли ҳар кўни судга қатнаш, ҳужжат тайёрлаш билан бандимиз. Афсуски, турли хил тўсиқлар ҳануз давом этмоқда. Бозор маъмурияти ва шаҳар газ таъминоти корхонаси асоссиз сабабларни рўқча қилиб, газ трубаларини узиб қўйгани бунга бир далил. Ахир, бу ортқча ташвишлар ўрнига харидорларга кўнгилдагидай хизмат кўрсатсак, ўзимиз ҳам фойда кўрардик, давлат ва жамиятимиз ҳам бундан кўпроқ манфаатдор бўларди-ку!





Таклиф

# Иқтисодий соғломлаштириш омили

Комилжон СИНДОРОВ,

Жиззах вилоят ҳўжалик суди раиси

Бозор иқтисодиёти шароитида қуноқланган корхоналар банкротлик домига тушади. Иқтисодий бақувват меҳнат жамоалари эса изланиш, интилиш, омилкорлик асносида ишлаб чиқаришни давом эттираверади, ривож топиб бораверади. Аини шу жиҳатдан ҳам банкротлик институти ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш тизимида корхона ва ташкилотлар фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳўжалик судлари томонидан иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарга нисбатан банкротликни қўллашга доир қилинаётган ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, вилоятимизда ўтган йилнинг ўн ойи даврида 223 та иқтисодий ночор корхона банкрот деб эътироф этилди. Тугатиш ишлари жараёнида кредиторларнинг 4132,4 миллион сўмлик қарзлари ёпилди. Корхона банкротлик ҳолатида қилиб қўйилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан 3 та жиноят иши, 89 та маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Маркетинг хизматини тўғри йўлга қўя олмаётган айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий танг аҳволга тушиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Уларга нисбатан санация таъминоти қўлланилиб, корхона банкротлик ҳолатидан олиб чиқиш ёхуд иқтисодий соғломлаштириш йўллари кидириб топилмоқда. Масалан, Пахтакор туманидаги «Ҳўжалик ҳисобидаги автоушастка» корхонаси буюртмачилар ишончини йўқотганлиги, бозор иқтисодиётига мослаша олмаганлиги оқибатида молиявий танг аҳволга келиб қолди. Натижада 2004 йилда автоушастканинг муддати ўтган кредиткор қарзлари 64 миллион сўмга етди. Бу эса унинг бир маромда фаолият юритишига

салбий таъсир этмасдан қолмади. Қолаверса, корхона мулкни талон-торож қилган автоушастка раҳбари Р.Ортиқов ва бош ҳисобчи С.Бобобековларга нисбатан жиноят иши қўғатилди. Келтирилган зарар корхона фойдасига ундирилди.

Ҳозирда корхона ўрнида Россиядан олиб келинган жиҳозлар ёрдамида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи «Жиззахёғ» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Аини пайтда бу ерда 60 киши иш билан банд. Шунингдек, корхонанинг Зафаробод ва Арнасой туманларидаги шохобчаларида ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатдорлигини янада ошириш бўйича айрим таклиф-мулоҳазалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Суд амалиётида банкрот бўлган корхоналарнинг тугатилиши жараёни ўрганилганда бу борада қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланмоқда. Амадаги қонунчиликда банкрот бўлган корхона мол-мулкни тугатиш комиссияси қандай таркибда тузилишининг ҳуқуқий тартиби мавжуд эмас. Тугатиш ишлари билан факатгина тугатиш комиссияси раиси, яъни тугатиш бошқарувчисининг ўзи шугулланмоқда. Хаттоки, аксарият тугатиш бошқарувчилари тугатиш комиссиясининг бошқа аъзолари қимлар эканлигидан хабардор эмас. Шу сабабдан, ҳўжалик судлари тугатиш бошқарувчисининг номзодини тасдиқлаш ҳақида ажрим қабул қилгач, корхонанинг мол-мулкда давлат улуши бор-йўқлигидан қатъи назар, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг вилоят бошқармаси тугатиш бошқарувчиси бошчилигида ҳар бир аъзонининг фамилияси, иш жойини кўрсатган ҳолда комиссияни тайинлаш ҳақида буйруқ чи-

қариши, тугатиш комиссияси эса доимий равишда, узғириш билан ҳар ойда икки марта ба тугатиш ишларининг бо-риши ҳақида бошқарма ва ҳўжалик судига жорий ҳисобот бериб бориши лозим.

Айрим ҳолларда корхона тугатилгач, унинг кўп миқдордаги қарзлари қопланмагач, кредиторлар катта миқдорда зарар кўриб қолиши ҳам табиий. Шу сабабдан, судлар бундай ҳолатда корхона раҳбарининг субсидар жавобгарлик масаласига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ушбу таъминотнинг судлар томонидан қўлланилиши корхона раҳбарининг кредиторлик қарзларни узиш борасидаги масъулиятини сезиларли даражада кучайтирган бўларди.

Шунингдек, айрим ҳолларда банкрот деб эътироф этилган корхонада тугатиш ишларини олиб бораётган суд бошқарувчилари тугатиш ишларини пайсалга солиши, процессуал муддатларга амал қилмаслиги, ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан қарздорга, кредиторлар ёки бошқа манфаатдор шахсларга зарар келтириб қўйиши мумкин. Шу сабабдан судлар томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида назарда тутилганидек, суд бошқарувчиси зиммасига юклатилган вазифалар қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилганлиги ёхуд лозим дара-

жада бажарилмаганлиги суд бошқарувчисининг ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилишига, қарздор кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида



Носир Хайдаров олган сурат.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ: Тошкент чарм ва пойабзал очиқ акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» корхонаси пойтахтимиздаги иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган сифатли чарм маҳсулотлари мамлакатимиз ва хориждаги ишлаб чиқариш корхоналарига буюртма асосида етказиб берилмоқда.

Суратда: цех раҳбари Ёқуб Шарипов (чапда) ва бош муҳандис Альберт Садиков маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

етказилган зарарнинг ўрни қоплишини талаб қилишга ҳақли эканлигига алоҳида эътибор қаратишлари лозимга ўхшайди. Бунда судлар суд бошқарувчиларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га тегишли баҳо берган ҳолда уларга қонунда белгиланган тартибда (жиноий жавобгарликка қадар) таъсир чоралари қўллаш лозим, деб уйлайман.

ҳам бу бемисл имкониятдан оқилона фойдаланган ҳолда Ватанимиз мустақиллигини мустақамлашга ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

— Сўнги йилларда туманимизда қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимларини ривожлантириш бора-бора бир қатор эътиборга мо-лиш ишлар бажарилди — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Баҳодир Саъдуллаев. —

Ўнлаб янги, замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежлари, мактаблар, шифоналар, маданий-маиший ҳамда савдо шаҳобчалари, ўрта бизнес объектлари фойдаланишга топширилди. Дарҳақиқат туманда Вазира Маҳкамасининг

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ўтган йили 2-, 6-мактабларда капитал реконструкция, 41-, 46-мактабларда таълим муассасалари учун дастур бўйича 22 миллион сўм маблағ ажратилди. Аини пайтда 26 та мактабдаги фанлар чуқурлаштириб ўқитил-диган 78 та синфда 1950 нафар иқтидорли ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. 5705 нафар ўғил-қиз академик лицей ва касб-

хунар коллежларига жалб этилган. Туман марказида Гулобод ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи, «Раванак» ва «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалик-лари худудида эса Агротехноат касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатяпти.

Туманда бир яхши анъана бор. Ҳар қандай ишни бошлашдан олдин кўпни кўрган пиру бадавлат отахонлар билан кенгашиларди, уларнинг доно маслаҳати, дуолари олинади. Шунинг учун

қишлоқ ҳўжалигининг галлачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик соҳаларида улкан марралар қўлга килрилмоқда. Қолаверса, туманда етти хазинанинг бири ҳисобланмиш паррандачилик ривож топган. Муваффақият билан фаолият юритаётган Ўзбекистон Олмония ҳамкорлигидаги «Оҳалик Ломанн Парранда» қўшма корхонаси, «Самарқанд — Парранда», «Мароқанд — Парранда» корхоналари ва «Омонбобо» фермер ҳўжаликлари фикрини далилидир.

Ер ҳақиқий деҳқонга топширилсагина, қишлоқ ҳўжалигида ютуқларга эришиш мумкин. Шу боис туманда 69 минг 902 гектар сувли экин майдони оилавий йилга нисбатан салкам 125 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 127 фоизга ўсди.

Туманимизда 442 та микрофирма, 77 та кичик корхона, 157 та фермер ҳўжалиги ва шунча деҳқон ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Банклар томонидан ажратилаётган кредитлар мазкур тадбиркорлик субъектлари фаолият қўламини кенгайтиришда самарали омил бўлиб қизиб килляпти.

Хуллас, Самарқанд тумани меҳнат аҳли, деҳқонро боғбонлари, соҳибқору сабзавоткорлари, тадбирқору зиёлилари эртанги кунга зўр ишонч билан юртимизнинг янада обод ва кўркем бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Қилмиш-қидирмиш

## Устамонлар кўлга тушди

Асқар ЖАЛИЛОВ,

«Адолат» мухбири

Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилаётган «Диққат, пиёда!», «Такси», «Диққат, болалар!», «Хўшёрлик», «Тоза ҳаво», «Тозалаш» каби тадбирлар йўл-транс-

лат белгилари автомашина тўхтатилди, дейди вилоят ИИБ ИХХБ бошлиги ўринбосари Шермурод Эгамов. — Хизмат ити ёрдамида текширилганда, йўловчи Туйғун Назаров автомашина салонига ўзи билан 2 та 16 калибрли ов қуролини қонунга хилоф равишда олиб кетаётганлиги аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар



порт ҳодисаларининг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

...ИПХ ходимлари У.Оқбоев, Я.Нормуродов ва Л.Каримов 2005 йил 20 декабрь куни кечки пайт «Қалқонота» Навоий» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган фуқаро Асқар Солиев бошқарувидagi давлат белгиси 21 F 0991 бўлган автомашинани тўхтатишди. Шубҳали кўринган автомашина назоратдан ўтказилганда йўловчи Иброҳим Яхшиевнинг ёнидан каттагина миқдорда марихуанга гиреҳвандлик моддаси топилди. Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Бундан ташқари, йўл-патруль хизмати ходимлари саъй-ҳаракати билан 45 нафар хорижлик фуқаронинг республикамиз худудига руҳсатнома-визасиз кириб келгани аниқланди. Уларнинг 10 нафари тегишли идоралар томонидан жаримага тортилди, 34 нафари республика худудидан чиқариб юборилди, бир нафар фуқаро устидан жиноий иш қўзғатилди.

— «Тозалаш» тадбири жараёнида ходимларимиз томонидан «Анор» ИПХ масканида «Қизилтепа» Навоий» йўналишидаги «Нексия» русумли, 21 0353 дав-

лат белгилари автомашина тўхтатилди, дейди вилоят ИИБ ИХХБ бошлиги ўринбосари Шермурод Эгамов. — Хизмат ити ёрдамида текширилганда, йўловчи Туйғун Назаров автомашина салонига ўзи билан 2 та 16 калибрли ов қуролини қонунга хилоф равишда олиб кетаётганлиги аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар

Қизилтепа туман ички ишлар бўлимига топширилди.

Олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамадан, айрим фуқаролар вилоят худудидан қонунга зид равишда рангли ва қора металллар, ёқилги-мойлаш материаллари, тамаки ҳамда спиртли маҳсулотларни олиб ўтишга ҳаракат қилишмоқда. Ўтган йили ана шундай устамонлардан 261,5 миллион сўмлик моддий-товар бойликлари олиб қўйилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди. 344 та ҳолатда маъмурий, 64 ҳолатда жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, хорижда ишлаб чиқарилган турли пиротехника воситаларини гайриқонуний йўллар билан мамлакатимизга олиб кириш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 21 ноябрь куни вилоят ИХХБ алоҳида отряди ходимлари томонидан «Гулистон» деҳқон бозори худудида фуқаро Жасур Халилов хорижда ишлаб чиқарилган, тегишли ҳужжатларсиз пиротехника воситаларини сотаётганлиги аниқланди. Бу ҳолат юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Эргаш Бозоров, Касби туман прокуратураси ҳўзурдаги СВОЖКК бўлими бошлиғи

Бўлимимиз ходимлари ҳамда назорат органлари билан ҳамкорликда тумандаги турли иқтисодий жиноятлар фош этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга бевоқиф алоқадор идоралар раҳбарларининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўлалишини таъминлашдек ута муҳим масалага масъулиятсизлик билан ёндашаётганликлари ташвишланарли ҳолдир.

Сўзимиз исботи ўлароқ, мисолларга мурожаат этсак, бўлимимиз ходимлари томонидан туман суд ижрочилари бўлинмаси фаолияти текширилганда, вилоят ҳўжалик суди қарорлари асосида 2 миллион 76 миллион 632 минг сўмлик солиқ ва бюджет тўловларини ундириш ҳақида буйруқ келиб тушганлиги, шунга қарамай бир йилдан ортиқ вақт мобайнида деярли ижро этилмаганлиги ойдинлашди. Ажабланарлиси, бор-йўғи 7 миллион сўмлик мол-мулклар соттирилиб, у ҳам бўлинма ҳисоб-рақамидида сақланиб қолган. Қилимиш-қидирмиш деганларидек, туман суд ижроси 3.Рахатовга нисбатан жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилди, давлат манфаатига етказилган зарар қопланди.

«Комилон» кооператив ширкат ҳўжалиги мансабдор шахсларининг қинғир ишлари эса ҳаммасидан ошиб тушди. Қарангки, улар қонун-қоидаларга зид равишда 30 миллион 149 минг 574 сўмлик қишлоқ ҳўжалик техникалари ва биноларини пуллаб юборишган. Буз устига, бу маблағ ундириб ҳам олинмаган. Ваҳоланки, ҳўжаликнинг давлат бюджети ва бошқа мажбурий тўловлардан 9 миллион 49 минг сўм, ишчи-хизматчилар иш ҳақидан 15 миллион 651 минг сўм қарзи бор эди. Ҳўжаликнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 205-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

ТАФЛУР





## Жаҳон парламенти: Россия

# Федерация Совети

## парламентнинг юқори органи

Саодат ЖАББОРОВА

Россия Давлат Думаси парламентнинг куйи палатаси ҳисобланади, мамлакатда 1906 йилдан 1917 йилга қадар мавжуд бўлган. 1993 йил октябрда Россия Федерациясининг Олий Совети ўрнига Давлат Думаси шакллантирилди ва биринчи бор 1994 йилда қақирилди.

Думада 450 нафар депутат фаолият юритади. 1993-2003 йилларда уларнинг ярми бир мандатли округдан, қолган қисми партиялардан сайланар эди. 2005 йилдан бошлаб эса барча депутатлар фақатгина бир-бир партиядан ўз номзодини қуйиш шарт этиб белгиланди. Дума Россия Федерацияси Конституцияси, Давлат Думаси регламенти, шунингдек федерал қонунлар асосида иш юритади. Куйи палатани Дума раиси ва унинг ўринбосарлари бошқаради. Ҳар бир фракция ўки депутатлар гуруҳи раис ўринбосари лавозимига ўз номзодини таклиф этиши мумкин. Депутатлар фаолияти кўмиталар доирасида амалга оширилади.

Шу ўринда Давлат Думаси аппарати тизимининг баъзи тамойилларига тўхталиб ўтиш жоиз. Аппарат ходимлари куйидаги категорияларга бўлинади:

1. Мунтазам фаолият юритувчи ходимлар. Булар котибият, бошқарма ва бўлимларда доимий равишда фаолият юритувчи ходимлардан иборат бўлиб, сайлов натижаларидан қатъи назар, уларнинг сони ва таркиби сақланиб қолади. Мунтазам фаолият юритувчи ходимлар бу ерда ишлаётган даврда бирор-бир сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин эмас.

2. Муваққат таркиб ходимлари Думадаги сиёсий фракцияларнинг аппарат аъзоларидир. Уларнинг сони фракциядаги депутатлар сонига боғлиқ тарзда белгиланади. Фракция аппарати аъзолари сайлов муддати (4 йил) тугатгандан сўнг ишдан бўшатилади. Чунки олдин юқори кўрсаткичларга эришган фракция навбатдаги сайловда бошқаларга нисбатан пастроқ кўрсаткичга эга бўлиши мумкин. Ҳамонки, ҳар бир фракция аъзоларининг сони аппаратда ишловчи ходимларнинг сонига бевосита таъсир кўрсатар экан, ҳар сайловдан сўнг унинг таркиби ўзгариши табиий ҳолдир. Фракция аппарати ходимлари ҳеч қандай сиёсий чекловларга эга эмас.

3. Кўмита аппарати ходимлари (Мудофаа, хавфсизлик, молия кўмиталари ва бошқа-

лар)нинг сони ҳам кўмитага аъзо ҳисобланган депутатлар сонига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, Дума Регламентида мувофиқ, ҳар бир депутат ҳоҳ ўз хоҳишига кўра, ҳоҳ фракция тавсиясига кўра бирор бир кўмитага фаолият юритиши керак. Улар ҳам келгуси сайловга қадар ишлайди.

Россия Федерацияси парламентининг юқори палатаси ҳисобланган Федерация Советида давлат ҳукуматдаги қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар субъектлари раҳбарлари фаолият юритар эди. 2002 йилда чиқарилган махсус қонундан сўнг Федерация Совети аъзоси сифатида юқоридаги органлар субъектларининг юқори лавозимдаги вакиллари фаолият юритадиган бўлди. Уларнинг ваколат муддати тайинлаган органларнинг фаолият юритиш муддатига боғлиқ. Бироқ, Федерация Совети аъзоси сифатида ишлаётган вакил уни тайинлаган орган томонидан муддатдан аввал бўшатилиши мумкин. Мамлакат Конституциясида белгиланганидек, ҳукумат органларига сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 30 ёшдан ошган Россия фуқаролари Федерация Совети аъзоси бўла олади.

Федерация Совети мунтазам фаолият юритувчи орган ҳисобланади. Зарурат туғилганда у ойда қандай икки маротаба мажлис ўтказилади. Бундай мажлислар юқори палата фаолиятининг асосий шакли ҳисобланиб, Дума йиғилишларидан алоҳида бўлиб ўтади.

Юқори палата таркибидан Федерация Совети раиси, унинг ўринбосарлари сайлаб олинади. Улар мажлисларни ўтказиш ва палатанинг ички вазифаларини бошқариш билан шугулланади.

Кўмита ва мунтазам комиссиялар доимий равишда фаолият юритади. Раис ва унинг ўринбосарларидан ташқари барча аъзолар у ёки бу кўмита таркибига қиради. Таркибни палата тасдиқлайди. ФСда ҳозирда мунтазам ишловчи 17 кўмита ҳамда 6 та комиссия мавжуд бўлиб, улар конституцион ваколатни амалга оширишда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга.

Совет, шунингдек, Дума томонидан қабул қилинган федерал бюджет, федерал солиқ ва уни тўплаш, молия, валюта, кредит, божхона, пул эмиссияси, халқаро шартномаларни ратификация ва депансация қилиш, давлат чегаралари статуси ва ҳимояси каби масалаларга оид федерал қонунларни қуриб чиқиши шарт.

Палатанинг ярмидан кўп аъзоси ижобий овоз бергандагина федерал қонун, тўртдан уч қисми қўллаганда эса федерал конституцион қонун қабул қилинган ҳисобланади.

## ЧИЛИДА ИЛК АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ



М.Бачелетнинг давлат раҳбари сифатидаги дастлабки режиси ўзининг «100 куну, 36 ваъда» номли дастурини ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Мазкур дастур орқали у нафақаларни ошириш, қўшимча соғломлаштириш марказларини очиб ва 60 ёшдан ошган фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини жорий этишни мўлжалламакда.

Бундан ташқари, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳам янги президент эътиборидаги муҳим масалалардан биридир. У жамоат тартибини сақлаш учун полиция ходимлари сонини кўпайтириш ва ҳарбий хизматни шартнома тизимига ўтказишни режалаштирган.

## ИККИНЧИ БОСҚИЧДА АНИҚЛАНАДИ



Финляндияда ҳам президентлик сайлови ўтказилди. Бироқ ушбу сайлов янги давлат раҳбарлигини ким эгаллаши каби масалага ойдинлик киритолмади. Бунга сабаб номзодлардан бирортасининг ҳам 50 фоиздан юқори овоз тўплай олмаганидир.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига қараганда, амалдаги давлат раҳбари Тарья Халоненни сайловчиларнинг 46,3 фоизи қўллаб-қувватлаган. Асосий давogarлардан яна бири Европа инвестиция банки вице-президенти Саули Ниинисте эса 24,1 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлган. Мамлакатнинг амалдаги бош вазир Матти Ванханенга 18,6 фоиз сайловчи хай-

рихоҳлик билдирди. Қолган яна беш номзод 3,5 фоиз овоз ҳам ололмади.

Амалдаги президент Тарья Халонен сайлов натижаларини таҳлил қилар экан, бундан ҳозирда қониқиб ҳосил қилганини ва сайловнинг иккинчи bosқичида ўз галабасига ишонишини маълум қилди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бош вазир Матти Ванханен қутулмаганда сайловнинг иккинчи bosқичида амалдаги давлат раҳбарини эмас, Саули Ниинисте номзодини қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Шу боис, фуқаролар олдида мамлакат тақдирини боғлиқ муҳим ва масъулиятли вазифа турибди.

Мазкур сиёсий тадбир мамлакат тарихида умумхалқ овоз бериш йўли орқали ўтказилган иккинчи президент сайловидир. 2000 йили ўтказилган сайловга назар ташланса, овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг бу сафарига нисбатан уч фоизга фаол иштирок этганлигини таъкидлаш ўринли. Айни пайтда Финляндия аҳолиси сони 5 миллиондан сал кўпроқни ташкил этаётган бўлса, ундан 4,3 миллионни овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларни ташкил этмоқда.

Шундай қилиб, сайловнинг иккинчи bosқичи 29 январь кунига белгиланиб, биринчи bosқичда фаолият кўрсатган Тарья Халонен ҳамда Саули Ниинисте ўртасида кечади.

## ОСИЁ ЯГОНА ВАЛЮТА ЙЎЛИДА

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) «Осиё валюта бирлиги»ни (АКЮ) жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига қараганда, мазкур тўлов воситасининг банкнотлари жорий йил ишлаб чиқиши мумкин.

АКЮ Жанубий Корея, Хитой, Япония ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) аъзолари бўлган Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбожа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ҳамда Филиппин ҳудудида муомалага чиқарилиши мўлжалланган. Бунда мазкур валюта ҳудудига кирувчи давлатларнинг иқтисодий аҳоли билан боғлиқ барча омиллар ҳисобга олинади.

Мутахассислар АКЮ келгусида евронинг Осиё минтақасидаги муқобилига айланиши

мумкин, деган фикрни билдирмоқда. Унинг минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларини янада кучайтириш ва эркин савдо ҳудудини яратишда муҳим аҳамият касб этиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

АКЮнинг қачон тўлиқ муомалага киритилиши ҳали номаълум. Таъкидлаш жоизки, евро 1979 йилда «Европа валюта бирлиги» (ЭКЮ) заминидан пайдо бўлган эди. Унинг тўлов воситасига айланиши учун эса 20 йил вақт керак бўлди.

ОТБ вакили Масахиро Каваининг фикрича, «Осиё валюта бирлиги»нинг тўлиқ муомалага киритилиши учун ҳам бир неча ўн йил зарур бўлади. Бу давр мобайнида Осиёда умумий иқтисодий макон яратилиши лозим. Зеро, бу ягона валюта зонаси учун муҳим шартлардандир.

## Тарих ва тақдир

# Туркистонда илк партиялар

## упарнинг пайго бўпиши ва инқироzi

Муҳимжон ҚИРҒИЗБОВЕ,  
сиёсатшунос  
(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Жадид тараққиётпарварлари партиясининг дастури ўн тўққиз банддан иборат бўлиб, уларнинг қисқача мазмунини қуйидагича эди: миллий маданиятга эга бўлиб, ҳаётни мустақил миллат сифатида яшаш асосига қуриш; овоз Туркистонда давлат тўзилиши ва идораси жумҳурият бўлиб, марказий ҳукумат аъзолари миллат мажлисининг розилигига кўра, жумҳурият раиси томонидан, вилоятлардаги бошқалар эса марказий ҳукумат тарафидан тайинланишини белгилаш; ҳукумат миллий аскарга таяниши, ҳарбий хизмат мажбурийлиги; жойларда полиция ишларини ташкил қилиш; мамлакатда виждон эркинлигини тўла таъминлаш; матбуот ва нашриёт ҳамда шахс эркинлигини давлатнинг асосий қонунлари асосида таъминлаш; мамлакатнинг асосий солигини киримга қараб олиш ва эски замонлардан қолган ҳар хил олиқ-солиқларни бекор қилиш; ер ости ва ер усти бойлиқлари, ўрмонлар, ҳаззаланари давлат ихтиёрига ўтказиш, ерни деҳқонларга хусусий мулк қилиб бериш; бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг зомин талаблари асосида ривожланиб боришини таъминлаш; сув идораси ишларини тартибга солишга катта аҳамият бериш ва бошқалар.

1922 йилнинг 30 июлида Бухоро жумҳурияти раиси Мирза Абдуқодир Мухиддинов ҳовлисида асосан зиялилар иштирокида бўлиб ўтган мажлис-

да «Ўрта Осиё мусулмон миллий халқ инқилоб жамиятлари иттифоқи» номили яширин ташкилот тўзилиб, Заки Валидий Тўгон унинг кўмита раиси этиб сайланади. Мажлис етти моддадан иборат дастурни қабул қилди. Унга кўра, жамиятнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллигига эришиш бўлиб, унинг келажоги маҳаллий халқ томонидан белгиланиши лозим эди. Шунингдек, дастурга мувофиқ мустақил Туркистоннинг идора усули — демократик жумҳурият деб белгиланади. Миллий қўшин ташкил этиш йўли билангина истиқлол сақлаб қолиниши мумкинлиги, миллий ҳукумат таянчи — миллий қўшин экани, саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларини юритиш маҳаллий халқ ихтиёрида бўлиши кераклиги таъкидланади. Дастур маориф аънаваларини тараққий эттириш ва Европа маданияти билан тўғридан-тўғри танишиш, ундан таъсирланиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиши маҳаллий аҳоли манфаатлари нуктаи назаридан ҳал этиш, диний эътиқод эркинлигини жорий қилиш, давлат ва дин ишларини алоҳида-алоҳида олиб бориш каби масалаларни ҳам ўз ичига олган эди.

Бу ташкилотнинг тўзилишига 1922 йил олдида Туркия Буюк миллат мажлиси

аъзоси Ислон Сўфи Сўйгалли ўғлининг Бухорога келиши ва Туркистондаги қисқа муддатли сафари чоғидаги фаолияти ҳам ёрдам беради. Орадан кўп ўтмай жамиятнинг номи «Туркистон Миллий Бирлиги» деб ўзгарилади. 1922 йил 2-5 август кунлари унинг биринчи Конгресси бўлиб ўтади. Шу йили сентябрь ойида эса Самарқандда ташкилотнинг навбатдаги анжумани ўтказилади.

Заки Валидий Тўгон Туркистондан кетганидан кейин Бухоро Халқ Жумҳурияти раиси Файзулла Хўжаев бу ташкилотни янада ривожлантириб, уни «Миллий Иттифок» фирқаси номи остида сиёсий партия даражасига кўтаради. Ф.Хўжаев узок йиллар бу партияга раҳбарлик қилади.

Жадидчилик ҳаракати ҳам ташкилий, ҳам сиёсий оқим сифатида ўз даврининг тараққиёт омили бўлиб хизмат қилди. Жадидлар ҳаракати арбоблари бу оқимнинг нафақат сиёсий ва маърифий-мафҳуравий жиҳатларини, балки унинг ташкилий-услубий, дастурий жиҳатларини ҳам таҳлил этиб беришган. А.Фитрат, М.Бехбудий, Ф.Хўжаев ва бошқа арбобларнинг мақолаларида бу ҳусусда қўллаб-қувватловчи фикр-мулоҳазалар, қарашлар ўз аксини топган. Жумладан, 1917 йилнинг 19 июлида Заки Валидий Тўгоннинг матбуотда «Туркистонда таш-

килот масаласи» номли мақоласи эълон қилинади. Унда Туркистондаги турли хил уюшмалар, жамиятлар ва партиялар ҳусусида назарий-таҳлилий қарашлар баён қилинган эди.

Заки Валидий Тўгон Туркистондаги қўллаб-ташкilotлар фаолиятини таҳлил этиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги камчиликларини танқид қилган, илгор мамлакатлар тажрибаси билан қиёслаган. Баъзи ташкилотларнинг маромномаси, бошқаларининг эса дастури йўқлигини таъкидлаган. Шунингдек, ташкилотларнинг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатишига ачинаиб, уларни Туркистон муҳториятини қўлга киритиш учун бирлашишга чақирган эди. Хусусан, унинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади: «Маълумдирки, ҳозир дунёда халқ мутлақо яхши уюшгандагина ўз мақсадига ета оладур, ҳатто маданиятсиз халқ ҳам ўзининг ҳолига мувофиқ суратда яхши ташкилот қилса, ўз мақсадига етадур. Аммо ташкилотни бўлмаган миллат ҳеч бир мақсадига ета олмайдур. Ҳар бир шахс ўзининг ишлари учун иккинчи миллат одамлари, фақат нуфуз ахллари олдида сажда қилиб юрива мажбур бўлиб ва ниҳоят, мақсадига ета олмадсан қайтадур».

(Давоми бор)

## Меркелнинг Россияга ташрифи

Германиянинг янги канцлери Ангела Меркель Россия Федерациясига ташриф буюриб, Кремлда В.Путин билан икки томонлама музокаралар олиб борди. Учрашувда иккала давлат раҳбарлари ҳам музокаралар самарали бўлганлигини эътироф этишди. Меркелнинг айтишича, юқори даражадаги ушбу учрашув Россия билан истиқболли ҳамкорлик ўрнатиш учун мустаҳкам асос сифатида хизмат қилади.

Мартабали меҳмонни немис тилида қарши олган В.Путин ўзаро товар айланмасининг ҳажми 32 миллиард АҚШ долларига етганига алоҳида ургу берди. Германия канцлери ҳам ўз навбатида иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганидан беҳад мамнун эканлигини таъкидлади.

Давлат раҳбарлари музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, энергетика ҳамда Шимолий-Европа газ қувури қурилиши бўйича истиқболли иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш бўйича келишиб олишди.

## Марокашлик аёлларнинг қатъий талаби



Марокаш ҳукумати бошқа мамлакат фуқароларидан тўғилмаган болаларнинг икки мамлакат фуқароси бўлишга рухсат беришни ўйлаб қўриш ниятида.

Ҳап шундаки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, марокашлик аёлларнинг турмуш ўртоқлари муҳожир бўлса, уларнинг фарзандлари ушбу давлат фуқароси бўлишолмайдилар. Утган йилнинг ёзида Марокаш қироли Муҳаммад VI ўз нутқида бундай кишиларга мамлакат фуқаролиги бериш режалаштирилаётганини таъкидлаган эди. Шундан сўнг мамлакат Адлия вазирлиги фуқароликка эга бўлиш билан боғлиқ бир қатор таклифлар тайёрлади ва яқин орада мамлакат парламентига юборадиган бўлди. Аёлларнинг Демократик лигаси миллий котиби Боуш Абдоянинг айтишича, қиролнинг қарори аёлларга умид бағишлайди, бироқ бу қарор баъзи сиёсий партияларнинг қаршичилигига учраши мумкин. Гарчи партиялар аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда етакчи ўринга эга бўлиши керак бўлса-да, аммо шу пайтга қадар улар томонидан бу борада ҳеч қандай ишга қўл урилмаган.

Хуллас, марокашлик аёллар барчага бирдек тенг ҳуқуқ ва эркинлик таъминлашини қатъий талаб қилишмоқда. Касабанкада жойлашган «Мукобил» Бирлиги раисининг фикрича, аёл фарзандига ўз миллатини мерос қилиб қолдирилмас экан, унда унинг фуқаролик ҳуқуқи таъминланмайдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда хорижлик аёлга уйланган марокашлик эркекларгина ўз фарзандига икки фуқароликни таъминлай олади, аёллар эса бундай ҳуқуқдан маҳрум.

